

МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

2017. – 112с.; Kaplow, L. *The theory of Taxation and Public Economics.* – New Jersey. Princeton University Press, 2008. – 472р.; Иванова Н.В. Развитие научных представлений о налогообложении: общие и частные теории налогов. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ», 2009, Выпуск №1 (октябрь — декабрь) – <http://naukovedenie.ru>; Налоги и налогообложение: Учебное пособие / Под общей редакцией к.э.н., доцента Лазуриной О.М. – Ярославль: МФЮА, 2014. – 220с.; Rose R. *Maximizing Tax revenue while Minimizing Political Costs. Journal of Public Policy*, 1985, Vol.5 No. 3, pp. 289-320; Кадомцева С.В. Государственные финансы: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 352с.; Lott, W.F., Miller S.M. *Excise Tax Revenue Maximization. Southern Economic Journal*, 1974, Vol.40 No. 4, – pp.657-664.; Porca, S. *Important determinants of state tax revenue portfolios. Annual Conference on taxation and minutes of the Annual Meeting of the national Tax Association*, 2002. Vol. 95, – pp. 416-426.; Rosen, H.S., Gayer, T. *Public finance*. – New York. McGraw-Hill Education, 2008. – 596р.

12. Ваҳобов А.В., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Т: Иқтисод-молия, 2001. – 174б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали ўйлари. – Т: Фан, 2004. – 224б.; Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлашишида солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т: БМА, 2002. – 22б.; Тошимуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодшетни бошқариш механизми. – Т: Янги аср авлоди, 2002. – 128б.; Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. – Ўқув кўлланма. – Т: “Иқтисод ва молия”, 2007. – 21б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиқла тортишини таҳлил этишининг долзарб масалалари. – Тошкент, “Академия”, 2002. – 204б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиқла тортишининг долзарб масалалари. – Т: Академия, 2002. – 279б.; Маликов Т.С., Яхъев Қ.А. Солиқла тортиши назарияси ва амалиёти. – Т: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат наутиёти, 2000. – 230б.; Кобулов Х.А. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш ўйналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т: БМА, 2006., –22б.

13. https://tax-news.com/news/Netherlands_cancels_corporate_tax_rate_cut__97826

14. https://tax-news.com/news/Austria_Urged_To_Lower_Labor_Tax_Burden__97577

МИЛЛИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ганибаев Илхомжон Шокиралиевич -
Фарғона политехника институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси” катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада асосий воситалар ҳисобининг миллий ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲҲС асосида бухгалтерия ҳисоби юритадиган юридик шахслар, асосий воситалар ҳақида тушунча ва уларнинг тан олиши мезонлари, асосий воситалар қийматини аниқлаш, миллий ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартларидағи атамалар, уларнинг умумий жиҳатлари ҳамда фарқланиши ёритилган.

Калит сўзлар: Асосий воситалар, миллий стандартлар, молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари, асосий воситаларни тан олиши мезонлари, бошлангич қиймат, қайта баҳолаш ҳисобга олинган қиймат, тугатиш қиймати, қадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат.

ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТА ОСНОВНЫХ АКТИВОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ НАЦИОНАЛЬНОЙ И ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Ганибаев Илхомжон Шокиралиевич
Старший преподаватель кафедры бухгалтерского учета
и аудита Ферганского политехнического института

Аннотация: В статье рассматриваются национальные и международные стандарты финансовой отчетности основных средств, юридические лица с 1 января 2021 года обязаны вести бухгалтерский учет на основе МСФО, понятие основных средств и критерии их признания, определение стоимости основных средств, термины национальной и международные стандарты финансовой отчетности, их общие аспекты и отличия.

Ключевые слова: Основные средства, национальные стандарты, международные стандарты финансовой отчетности, критерии признания основных средств, первоначальная стоимость, переоценочная стоимость, ликвидационная стоимость, убыток от обесценения, возмещаемая стоимость.

ORGANIZATION OF FINANCIAL ASSETS ACCOUNTS BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS OF NATIONAL AND FINANCIAL REPORTING

G'anibayev Ilhomjon Shokiraliievich
Senior Lecturer, Department of Accounting and
Auditing, Fergana Polytechnic Institute

Annotation: The article deals with national and international financial report standards of fixed assets, juridical persons that conduct accounting on the basis of IFRS from January 1, 2021, the concept of fixed assets and their recognition criteria, determining the value of fixed assets, national and financial reporting international standards, their general aspects and differences are given.

Keywords: Assets, national standards, International Financial Reporting Standards, assets's recognition criteria, initial cost, revaluation value, liquidation value, impairment loss, recoverable amount.

Кириш. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини амалга ошириш учун муҳим восита бўлиб, улар ўзининг иқтисодий табиятига кўра маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизмат кўрсатиш ҳамда маъмурий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида корхоналар фаолиятида узоқ вақт давомида фойдаланиладиган меҳнат қуроллариdir.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг Ҳисоб сиёсатларида асосий воситалар ҳисоби усулини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган 5-сонли “Асосий воситалар” миллий стандарти асосида аниқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар, 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲҲС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисботни МҲҲС асосида тайёрлашлари белгилаб қўйилди. Яъна шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ молиявий ҳисботни ихтиёрий равища МҲҲСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисбининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисбот тақдим этишдан озод этилди [1].

Илмий адабиётлар таҳдили. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Рақобатлашган бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида, ундаги меҳнат воситаларининг такомиллашишига, ривожланиш ва улардан самарали фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқdir. Барча ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришда меҳнат воситалари асосий ролни ўйнайди. Бухгалтерия ҳисобида меҳнат воситалари асосий воситалар деб юритилади[2]. Асосий воситалар ҳисоби ва уни аудитини такомиллаштириш бўйича кўплаб хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқот ишлари амалга оширилган, дарслклар ва ўкув қўлланмалар яратилган.

Асосий воситалар ҳисбини ташкил қилишда қуидаги омилларни ҳисобга олиш зарур ҳисбландади: асосий воситаларни туркумларга ажратиш; асосий воситаларни баҳолаш тамойилларини белгилаш; асосий воситаларни

ҳисобга олиш бирлигини аниқлаш; асосий воситалар ҳаракатини бирламчи ҳужжатлар билан ўз вақтида ва тўғри расмийлаштиришни амалга ошириш[3]. Моддий активларни асосий воситалар таркибига киритишида уларнинг фойдали хизмат муддатини белгилаш муҳим рол ўйнайди. Фойдали хизмат муддати, деганда асосий воситаларнинг корхона томонидан белгиланган фойдаланиш муддати тушунилади. Бу муддат йиллар ёки ойларда ифодаланиб, унинг фойдалилиги ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Фойдали хизмат муддати давомида асосий воситалар ўзларининг қийматини тўлиқ қоплпшлари ва корхонага қўшимча даромад келтиришлари лозим [4].

Асосий воситалардан фойдаланиш давомида улар эскиради, натижада асосий воситаларни янгилаш, янги обьектларни қуриш ёки уларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш учун маблағ сарфлаш зарурияти юзага келади. Капитал-инвестициялар – бу янги обьектларни қуришга, эски обьектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек, янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси. Ўзбек тили луғатида бу сўзлар “капитал қўйилмалар” номли синоними ҳам мавжуд [5].

Асосий воситалар ҳисоби тўғри ташкил этилиши устидан аудит назоратини амалга ошириш уланинг ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни ишончли акс эттирилганлигини аниқлашдан иборат. Асосий воситаларни аудиторлик текширувдан ўтказиш мижоз-субъект фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисбландади. Унинг мақсади молиявий ҳисбот асосий воситалар ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ишончлилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва субъектда асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат [6].

Бироқ бугунги иқтисодиётни жадал ривожланиши жараёнинда асосий воситалар ҳисбини ташкил қилишда яъни, уларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда ёки қадрсизланишга текширишда, асосий воситаларни тугатиш қийматини аниқлашда, асосий воситалар қийматини оширадиган харажатларни аниқлашда муаммолар юзага келмоқда.

Тадқиқот методологияси. Мамлакатимизда асосий воситалар ҳисоби усули Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан

МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

тасдиқланган 5-сонли “Асосий воситалар” миллий стандартида белгиланган. Халқаро амалиётда эса асосий воситалар ҳисоби усуллари 16-сон МХХС (IAS) «Асосий воситалар» стандартида, сотишига қарор қилинган асосий воситалар 5-сон МХХС (IFRS) «Сотиш учун мұлжалланган узоқ муддатли активлар ва тұхтатилған фаолият» стандартида, асосий воситаларни қадрсизланиши 36-сон МХХС (IAS) «Активларни қадрсизланиши» стандартида, ижарага бериш мақсадида сотиб олинган ёки қуриб битказилған күчмас мулклар 40-сон МХХС (IAS) «Инвестиция күчмас мулки» стандартида, асосий воситаларнинг қишлоқ хұжалигига оид қисми бүйіча эса 41-сон МХХС (IAS) «Қишлоқ хұжалиги» стандартлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенттің 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлары” ги 4611-сонли қарорида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суурита ташкилотлари ва йирик солиқ тұловчилар тоифасига киритилған юридик шахслар, 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил яқунларидан бошлаб молиявий ҳисботни МХХС асосида тайёрлайдилар.

Корхоналар томонидан молиявий ҳисботларни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида тузиши ўз навбатида асосий воситалар ва уларнинг қарасати билан боғлиқ хұжалик жараёнларини ўз вақтида, ишончли қимматда акс эттириш, улардан келадиган иқтисодий наф ва заарларни аниқлаш имконини беради. Бу эса корхоналарда катта қимматга эга бўлган асосий воситалар ҳолатини молиявий ҳисботда тұғри акс эттиришни таъминлайди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли миллий стандартида белгиланган асосий воситалар ҳисобга олишда қўлланиладиган атамалар молиявий ҳисботни халқаро стандартларида белгиланган атамалар билан қандай умумийликка эга ёки қайси жиҳатлари билан бири биридан фарқланади ёки асосий воситалар қайси молиявий ҳисботни халқаро стандартлари билан тартибга солинади деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли миллий стандартида белгиланган асосий воситалар ҳисоби молиявий ҳисботни халқаро стандартларида қуйидаги стандартлар билан тартибга солинади 1- жадвал.

1-жадвал

Асосий воситалар ҳисобини тартибга солувчи стандартлар

Миллий стандартларда	Молиявий ҳисботни халқаро стандартларида
5-сон БХМС “Асосий воситалар”	16-сон МХХС (IAS) «Асосий воситалар»
	5-сон МХХС (IFRS) «Сотиш учун мұлжалланган узоқ муддатли активлар ва тұхтатилған фаолият»
	36-сон МХХС (IAS) «Активларни қадрсизланиши»
	40-сон МХХС (IAS) «Инвестиция күчмас мулки»
	41-сон МХХС (IAS) «Қишлоқ хұжалиги»

Манба: Муаллиф ишилнамаси.

Юқоридагилардан күриниб турибдики сотиши учун мұлжалланган узоқ муддатли активлар ва тұхтатилған фаолият, биологик активлар ва инвестиция күчмас мулклар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларда алоҳида стандартлар билан тартибга солинади. Асосий воситаларнинг таърифи, асосий воситаларни тан олиш мөззонлари бүйіча умумий жиҳатлари ва фарқлар 2-жадвалда көлтирилган.

Асосий воситаларнинг қимматларына белгиланған таърифлар бүйіча умумий жиҳатлари ва фарқлар қуйидаги 3-жадвалда көлтирилган.

Асосий воситаларнинг қимматлари бүйіча 5-сонли миллий стандартда ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг умумий жиҳатларини күришимиз мумкин, лекин 16-сон МХХС (IAS)да күшимица равища қуйидаги атамаларни күришимиз мумкин:

- қадрсизланиш бүйіча зарар - бу активнинг баланс қимматининг унинг қопланадиган қимматидан ошадиган қисмидир;

- қопланадиган қиммат - бу активнинг қуйидаги қимматларидан юқориорғи: сотиш жаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиммати ва унинг фойдаланишдаги қиммати.

5-сон «Сотиш учун мұлжалланган узоқ муддатли активлар ва тұхтатилған фаолият» МХХС (IFRS)да сотиши учун мұлжалланган айланмадан ташқари активлар, чиқиб кетаётған (реализация қилинадиган) гурӯхлар, тұхтатилған фаолият каби атамалар қўлланилади.

Айланмадан ташқари (узоқ муддатли) актив, агар унинг баланс қиммати асосан ундан келгусида фойдаланиш натижасида әмас, балки уни сотиши орқали қопланса сотиши учун мұлжалланган актив сифатида таснифланади.

МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

2-жадвал

Асосий воситаларни тан олиш мөъзонлари бўйича стандартлардаги умумий жиҳатлари ва фарқлар

5-сон БХМС “Асосий воситалар” бўйича	16-сон МХХС (IAS) «Асосий воситалар» бўйича
Асосий воситалар таърифи	
Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишида маҳсулот ишлаб чиқари, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриласидаги моддий активлар	Асосий воситалар -корхона томонидан назорат килинадиган, товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқаришида, етказиб беришда, маъмурий мақсадларда ёки ижарага бериш учун фойдаланиладиган, бир хисобот йилидан ортиқ вақт давомида фойдаланилиши мўлжалланаётган воситаларга айтилади.
Асосий воситаларни тан олиш мезонлари	
1) бир йилдан ортиқ хизмат муддати; 2) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар. Корхона раҳбари ҳисбот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.	Бир вақтнинг ўзида қуйидаги мезонлар бажарилганда асосий воситалар обьекти ҳисботда тан олинади: 1) тавсифига мувофиқлик; 2) ушбу асосий воситадан фойдаланишдан компания бўлажак иқтисодий наф олиши эҳтимолининг юқорилиги; 3) асосий воситанинг таннархи ишончли баҳоланиши мумкин. Асосий воситалар таркибиға киритиласидаги активларни қиймати белгиланмаган.

Манба: Муаллиф ишланмаси.

3-жадвал

Асосий воситаларнинг қийматларига берилган таърифлар бўйича умумий жиҳатлари ва фарқлар

Асосий воситалар қиймати	5-сон БХМС “Асосий воситалар” да	16-сон МХХС (IAS) «Асосий воситалар» да
Бошланғич қиймат	бошланғич қиймат - тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (ийғимларни), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати	Активни харид қилиш ёки барпо этиш пайтига келиб тўланган пул маблағлари ёки эквивалентлари суммаси ёки уни харид қилиш учун берилган бошқа товоннинг ҳаққоний қиймати
Баланс (ҳисоб) қиймати	қолдиқ (баланс) қиймат - жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати	Жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан жамғарилган зарар суммаси чегирилгач, балансда тан олинадиган активнинг суммаси
Қайта баҳолаш ҳисобга олинган қиймат	Асосий воситаларни қайта баҳолаш - асосий воситалар тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришdir	Муайян санадаги обьектнинг ҳаққоний қиймати
Тугатиш қиймати	тугатиш қиймати - асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси	Куйидаги тахминдан келиб чиқсан ҳолда айни пайтда актив учун олининиши мумкин бўлган миқдор баҳоси: - у ўзининг бутун фойдали хизмат муддатини ишлаб тугатган ҳолатда бўлса; - кутилаётган реализация учун харажатларни чегирганда.
Амортизацияланадиган қиймат	молиявий ҳисботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси.	Тугатиш қиймати чегирилган бошланғич қиймат
Жорий қиймат (хаққоний қиймат)	жорий қиймат - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма	Хаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштироқилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олининиши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказиша тўланиши мумкин бўлган нархдир

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Реализация қилинадиган гурух-ягона битим давомида биргаликда реализация қилиниши лозим бўлган активлар гуруҳи ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган, ушбу битим доирасида ҳисобдан чиқиб кетаётган мажбуриятлар. Масалан, барча операциялари билан бирга сотилиши режалаштирилаётган цех, ягона шартнома бўйича сотилиши режалаштирилаётган, активлар мажмуасидан иборат бўлган операцион линия, корхонанинг бошқа географик минтақада жойлашган, сотилиши режалаштирилаётган филиали ва бошқалар.

Тўхтатилган фаолият - фаолиятнинг йирик йўналиши ёки географик минтақада жойлашган филиаллар чиқиб кетаётганда ҳисоботда тўхтатилган фаолият қайд этилади. Бу кўпинча кенг миқёсда активлар (активлар гуруҳи)нинг реализация қилиниши билан бирга амалга ошади яъни, активларни сотиш учун мўлжалланган активлар сифатида таснифлашталаб этилади. Ушбу иккала тушунча одатда ўзаро боғлиқ ва шу сабабли битта стандартда кўриб чиқилади. Бироқ баъзан активларни сотмасдан ҳам уларнинг фаолиятини ёпилиши, тугатилиши натижасида фаолият тўхтатилади.

36-сон МХХС (IAS) "Активларни қадрсизланиши" стандартининг қўллаш соҳалари – асосий воситалар, номоддий активлар ва гудвил, ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланмайдиган инвестицион мулк ва биологик активлар, шуъба, қўшма ва уюшган корхоналарга инвестициялар ҳисобланади. Актив қадрсизланишидан зарар (impairment loss) - активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошадиган миқдор ҳисобланади.

40-сон МХХС «Инвестиция кўчмас мулки» стандартига мувофиқ инвестиция мулки (investment property) - ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматини ошириш ёки ҳар иккала мақсад учун (мулкорнинг ёки фойдаланиш хукуки шаклидаги актив сифатида ижарага олувчининг) эгалигида бўлган кўчмас мулк, бироқ бунга қийидаги мулклар кирмайди:

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4611-сонли қарори.
2. З.Н.Қурбонов, К.М.Мисиров. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. Тошкент. "Иқтисод-молия" -2019 йил.
3. И.Исманов, Н.Тошмаматов, С.Бузрукхонов. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. Дарслик. Тошкент. "Sano-standart"-2019 йил.
4. К.Б.Уразов. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. Ўқув қўлланма. Тошкент "Инновацион ривожланиш нашриёт - матбаба уйи" – 2020 йил.
5. К.Б.Уразов, М.Э.Пўлатов. Бухгалтерия ҳтсobi. Дарслик. Тошкент "Инновацион ривожланиш нашриёт - матбаба уйи" – 2020 йил.
6. О.Машарипов. Ш.Илхомов. Амалий аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент. "Иқтисод-молия" -2013 йил.

- товарларни ишлаб чиқариш ёки етказиб беришда, хизматлар кўрсатишида;
- маъмурӣ мақсадларда фойдаланиладиган;
- шунингдек одатдаги фаолият давомида сотиш учун мулжалланган мулклар.

41-сон МХХС (IAS) қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид қуйидаги объектларни қамраб олади:

- биологик активлар;
- йиғиб олиш ҷоғидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;
- муайян давлат субсидиялари.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, асосий воситаларнинг ҳисобини ташкил қилишда қўлланиладиган усул ва услублар молиявий ҳисоботни халқаро стандартларида юқорида қайд қилинганидек бир нечта стандартларда билан тартибга солинади. Молиявий ҳисоботни халқаро стандартларида асосий воситаларнинг ҳисоби уларнинг ҳар бир ҳолати бўйича яъни, асосий воситаларни баҳолаш ва қадрсизланиш тартиблари, фойдаланилаётган асосий воситалар, сотишга мўлжалланган асосий воситаларни таснифлаш, тўхтатилган фаолият - кенг миқёсда активлар (активлар гуруҳи)нинг реализация қилиниши, ижарага бериш мақсадида сотиб олинган ёки бунёд этилган кўчмас мулк, биологик активлар бўйича ҳисобга олиш усуллари ҳар бир хўжалик жараёнлари ва вазиятлар бўйича аниқ белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4611-сонли қарори ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади, юридик шахслар томонидан бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари асосида юритилиши улар томонидан тузилаётган молиявий ҳисоботларни ҳаққонийлиги ва ишончлилигини таъминлайди.